

Ishonch

2019 йил 4 июль • пайшанба • № 81 (4210)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўриклисойда илҳом чашмалари қайнамоқда

Ўзбекистон ёш ижодкорларининг анъанавий Зомин семинари бошланди



Зоминда ёш ижодкорларнинг анжумани ўтади, деган мўжза адабиёт аҳли қалбида қадрдон ва илиқ ҳисларни уйғотди. Улуғ шоир-у ёзувчилар, адабиётшунос-у таржимонларнинг бир жойга жам бўлиши, ижод оламига энди қадам қўяётган ёшларнинг дарғалардан сабоқ олиш имконияти бадиият ихлосмандларининг дилларини қувончга тўлдирди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидан маълум қилинишича, мазкур семинарда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 200 нафарга яқин ёш ижодкор иштирок этмоқда.



Жиззах вилояти



КУН
НАФАССИ

Давлатимиз раҳбари «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги қонунга имзо чекди. Мазкур қонун 2019 йил 1 октябрдан эътиборан қуча киради.

uza.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 июль куни Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенкони Мустақиллик куни билан муборакбод этди.

president.uz

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

uza.uz

Сирдарё вилоятида Бизнес-акселератор ўқув-амалий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ҳукумат қарори қабул қилинди.

«Ҳуқуқий ахборот» канали

Бош прокуратурада террористик, экстремистик ёки бошқа тақиқланган ташкилот ва гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича Республика идоралараро комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.

uza.uz

Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирлиги бошқарувида «Фос-Агро» ОАЖ кимё ҳолдинг компанияси савдо ва маркетинг бўйича бош директор ўринбосари Сергей Пронин ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Энергетика вазирлиги матбуот хизмати

Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирлигининг биринчи ўринбосари, «Ўзатом» агентлиги Бош директори Жўрабек Мирзамамудов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси 1-2 июль куллари ташриф билан Вена шаҳрида бўлди.

mfa.uz

GM Uzbekistan компанияси ўз номини UZAUTO MOTORS'га ўзгартирди.

kun.uz

Андижонда экологик аэропорт пайдо бўлади, у барча инфрақурилиш қуёш энергияси ёрдамида қўллаб-қувватланади.

kun.uz

Тошкент-Андижон-Тошкент йўналишидаги поездлар янги қурилган Ангрен вокзалида тўхтаб ўтадиган бўлди.

kun.uz

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК бешинчи Boeing 787-8 Dreamliner самолётини қабул қилди.

Транспорт вазирлиги ахборот хизмати

Фарғонада тошдан қоғоз ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Fergana stone paper company» Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонаси ташкил этилди.

uza.uz

Қорақалпоғистон Республикаси ғаллакорлари давлатга 105 минг тонна дон топшириб, шартномавий режани 103 фоизга ўзгартарди.

uza.uz

ishonch.uz:

«Матбуот бонг уради!»



ЖАМИЯТ

ОНА ВАТАН «КЎКРАГИДАН АЙРИЛОЛМАётган» ИҚТИСОД

Ma'rifat

PREZIDENT MAKTABI IMTIHON SAVOLLARI DTS ASOSIDA TUZILGANMI?

ФАРҒОНА ҲАКИКАТИ

ҚАДАМНИ ЎЙЛАБ ВОСТАП АФЗАЛ ЭДИ

Qashqadaryo

ҚАРШИ ШАҲРИ АҲОЛИСINI ҚАНДАЙ МУАММОЛАР ҚИЙНАМОҚДА?

QILA DAVRASIDA

БОЛАЛАР ОНГИГА ҚАРАТИЛГАН ЎҚИШ-ЎҚИТИШ ҚУРАМЛАРИДА ҚИЙИНЛИКЛАР ҚАНДАЙ ХАВФДАН ХАБАРЛАНГАН БОРМИ?

Навоий вилояти

Навоий тадбиркорлар вилоятига айланадими?

Кейинги йилларда Навоий вилоятининг иқтисодий салоҳияти кундан-кунга юксалиб бормоқда. Фаолият юритаётган корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ҳудудга хорижий ин-

вестицияларни киритиш борасида олиб борилаётган ишлар жаҳон ишбилармон доираларининг эътиборини тортаётгани ҳам бежиз эмас. Айтиш мумкин 2019-2020 йилларда амалга оширилаётган 26 триллион 368 миллиард сўмлик 511 та инве-

стицион лойиҳа ишлаб чиқилган бўлиб, бу ҳолат жаҳон бозорига рақобатбардор ва сифатли маҳсулотлар билан кириб боришни таъминламоқда. Бунда, албатта, маҳаллий тадбиркорларнинг ҳиссаси катта.

3

Брифинг

Шерзод ШЕРМАТОВ,
халқ таълими вазири:

«Ўқитувчи император» хурмати, ВАЗИР ойлиги керак»

Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида халқ таълими вазири Шерзод Шерматов иштакоридан давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишларга бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда халқ таълими вазири Шерзод Шерматов оммавий ахборот воситалари ходимларига маълумотлар берди.

4



Андижон вилояти

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасига!

Яқинда Андижон вилояти касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси номига Шаҳрихон тумани ҳокимининг ўринбосари Ж.Маматқодиров имзоси билан икки энли хат келди.

Конституцияни ўқимаган раҳбарлар

Унда ёзилишича, Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмасининг туман кенгаши раиси Диёрбек Эргашев ҳокимлик томонидан берилмаётган қонуний топшириқларни бажаришдан доимий бош тортди келатган экан. Хатда кенгаш раисининг хатти-ҳаракатлари «ҳеч қандай қоидаларга тўғри келмаслиги» алоҳида таъкидланади. Шу сабаб ҳоким ўринбосари Д.Эргашевни лавозимидан олиш, керакли профилактик (?) ишларни амалга оширишни сўрабди, агар тегишли чора кўрилмаса, юқори идораларга мурожаат этишларини

писанда қилибди.

Афтидан, ҳоким ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўқимаган ёки ўқиса-да, тушунмайди! У томондан имзоланган мазкур хат, ҳар қалай, шундай фикр уйғотади кишида.

Мана, Бош Қомуснинг 58-моддасида нима дейилган: «Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашшига, шунингдек жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди».

2

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ:



Конституцияни ўқимаган раҳбарлар

41

Касаба уюшмалари ҳокимликка хизмат қилувчи идора эмас, аксинча, ишчи-ҳодимлар манфаатларини ҳимоя қилувчи жамоат ташкилоти эканлигини англаш учун ҳуқуқшунос бўлиш шартми? Туман ҳокими ўринбосарининг вилоят даражасидаги ташкилот раҳбарига кўрсатма беришини, шарт қўйишини қандай баҳолаш даркор? Айни муносабатнинг ахлоқ қоидалари ва субординация тамойилларига нечоғли мос келишини-чи?

Гап келганда айтайлик, бу — бирлашмага маҳаллий ҳокимлик мутасаддиларидан ҳудудлардаги кенгаш раисларини лавозимидан четлатиш юзасидан келган биринчи сўров эмас. Ўтган йили сентябрь ойида Хўжабод тумани ҳокимининг ўринбосари Ш.Бабаев Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмасининг туман кенгаши раисини лавозимидан озод қилиш масаласини кун тартибига қўйиб, тақдимнома йўллаган эди. Ҳуқуқшунослар мазкур тақдимнома Конституциянинг юқори-

даги талаби ҳамда касаба уюшмалари тўғрисидаги қонун ва меъёрий ҳужжатларга таъминла зид эканлиги хусусида маълумот бергач, ҳокимлик мутасаддиси хатосини тан олганди.

Шу йил 14 июнь кун Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси Бахтиёр Жўраевга Баликчи тумани ҳокими Жасурбек Абдураинов йўллаган мурожаатдан на кулишингни биласан, на қўйишингни! Унга кўра, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Шухратбек Қодиров вазифасидан озод қилишни сўраб ариза ёзганлиги, бироқ ҳанузгача бу масала очик қолаётгани, шу сабаб аризани қаноатлантириб, туман ҳокимлигига уч кун муддатда белгиланган тартибда маълум қилиниши талаб этилади.

Ҳоким назарда тутётган лавозим — сайланма орган. Демак, уни кенгаш аъзолари сайлайди ҳамда вазифасидан бўшатиш ҳақида таклиф билан чиқишлари мумкин. Ўз-ўзидан аёнки, айни масалани ҳокимни қўятуриб,

кенгаш раисининг вилоятдаги масъул ташкилотчиси ҳам ўз-ўзидан ҳал эта олмайди. Қолаверса, Шухратбек Қодиров шунчаки ариза ёзмагани, аксинча айни вазият ҳокимлик талаби билан юзага келгани ҳам алоҳида журналистик суриштирув мавзусидир.

«Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқ ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунда шундай сўзлар бор: «Касаба уюшмалари ўз фаолиятида давлат органларидан, ҳўжалик бошқаруви органларидан, иш берувчилардан ва уларнинг бирлашмаларидан, сиёсий партиялардан ҳамда бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақилдир, улар олдида ҳисобдор эмас ва улар томонидан назорат қилинмайди. Касаба уюшмаларининг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди!»

Қизиги шуки, бу хатлар қонунлар ижросига масъул бўлган маҳаллий ҳокимлик мутасаддиларининг ўзлари мавжуд тартиб-тамоийларни оёқости қилаётганини кўрсатиб туриб-

ди-ку! Хатларни кўздан кечириш асноси савол туғилади: айрим амалдорларда ҳуқуқий савод етишмас, бироқ бутун бошли ҳокимликда расмий хатларга бир қур назар ташлаб қўядиган малакали ҳуқуқшунослар йўқми?

Албатта, келатган хатларга бирлашмага томонидан қонун доирасида жавоб йўлланяпти. Аммо Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси бугун халқаро ҳамкорлик борасида катта қадамлар ташлаб, эътироф этилаётган бир паллада бу каби гап-сўзлар мамлакатимиздаги йирик жамоат ташкилоти нуфузига соя солмасмикин? Биз ҳам минг андиша билан ушбу мавзунини кўпчиликлари ҳавола этишига жазм этдик. Токи, бошқалар ҳам бу йўлда адашмасинлар.

Нурилло НЎМОНОВ,
«ISHONCH»



Қашқадарё
вилояти

Долзарб мавзу

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, унинг ҳудудий бирлашмалари, туман ҳамда шаҳар кенгашлари томонидан нодавлат сектор корхоналарини аъзоликка жалб этиш, уларнинг ходимларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ҳаракатлари изчил давом этаётир. Хусусан, Қашқадарё вилоятида ҳам.

Улар яхшиларга ёндашишни нега хоҳлашмаяпти?

— Статистика ва солиқ органлари ҳамда лицензия берувчи идоралардан бугунги кунда фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва муассасалар рўйхати олиниб, касаба уюшмасига жалб этилмаган ҳўжалик субъектлари рўйхати шакллантирилди, — дейди Истеъмоил товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси Азамат Нурматов. — Ягона ижтимоий тўлов тўлайдиган, аъзолар сони 10 нафардан кўп бўлган 3771 та нодавлат корхона ва ташкилотлар бирма-бир таҳлил қилинди. Шундан 212 та нодавлат корхона ва ташкилотнинг тармоқ тизимига мансублиги аниқланди. Олиб борилган тарғибот-ташвиқот, тушунириш ишлари натижасида 90 та нодавлат корхона тармоқ касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. 2019 йилнинг 1 июнь ҳолатида аъзолар сони 711 нафар бўлган 7 та йирик янги тузилган бошланғич касаба уюшма ташкилоти тармоқ касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши хизматига олинди.

Кези келганда нодавлат секторда ишлайдиган, касаба уюшмалари имтиёзларидан фойдаланаётган ходимларнинг сўзларини тингласак.

Гўзал ҲАЗРАТОВА,
«Хунарманд»
уюшмаси Қашқадарё
вилояти бошқармаси
касаба уюшма
қўмитаси раиси:

— Касаба уюшмалари фаолиятимизда асосий кўмакчи. Хунармандларимиз «Ўз касбининг моҳир эгалари» кўрик-тановида қатнашиб, ғолиб ва совриндор бўлишмоқда. Ўзлари санаторийда, фарзандлари оромгоҳларда дам олишяпти. Масалан, жорий йилги мавсумнинг биринчи босқичида тўрт нафар ўғил-қиз ёзги оромгоҳда ҳордиқ чиқарди. Хунарманд қизларимиз Дурдона Омо-

нова, Зилола Бобоева сўлим сиҳаттоҳларда саломатлигини тиклади. Ўзим ҳам кун кеча бир гуруҳ касаба уюшма етакчилари сафида Хоразмга саёҳатга бориб келдим. Хиванинг гўзал ва тарихий обидаларини томоша қилиб, олам-олам таассурот олдим. Саёҳатимизнинг барча ҳаракатлари касаба уюшмалари томонидан қопланди.

Уюшмамизда ёшлар кўп. Ўзим ёшлар масалалари бўйича ҳам етакчиман. Шу йилнинг февраль ойида касаба уюшмалари ёшлар бирлашмаси томонидан Тошкент шаҳрида бир ҳафталик ўқувда қатнашиб келдим. Соҳага оид кўп янгиликлардан бохабар бўлдим.

Мунира ТАНГРИЕВА,
«Nasaf travel»
корхонаси касаба
уюшма қўмитаси
раиси:

— Корхонамиз касаба уюшмасига жалб этилгач, ходимлар манфаати йўлидаги ишларимиз самарали кечмоқда. Ходимларимиз ҳар йили жадвал асосида дам олдириляпти. Бундан ташқари, спорт тадбирларида фаол қатнашамиз. Яқинда ходимларимиз оилавий мусобақада иштирок этди. Мини-футбол жамоамиз тармоқ спартакиадасида учинчи ўринни қўлга киритди. Ташкилотимиз эса «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-тановида тармоқда фахрли иккинчи ўринга лойиқ топилди. Байрамларда касаба уюшма совғаларини топшириш йўлга қўйилганини айтмайсизми!

Халқимизда бир ҳикмат бор: «Яхшига ёндошсанг, етасан муродга...». Касаба уюшмаларининг барча ҳаракатлари яхшиликка, инсонга наф келтиришга, кишилар дилини хушнуд этмоққа йўналганлигини юқоридаги фикрлар ҳам тасдиқлаб турибди.

— Нодавлат корхона ва ташкилотларни касаба уюшма хизматига жалб этиш мақсадида йирик нодавлат корхона ва ташкилотлар раҳбарларига касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини тарғиб этувчи хатлар ва буклетлар тақдим этиб бориляпти, — дейди Истеъмоил товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси

Қарши шаҳар кенгаши раиси Азамат Нурматов. — Бироқ баъзи амалдорлар мурожаат ва таклифларимизга эътиборсизлик билан муносабатда бўлиб, ходимларини касаба уюшмалари имтиёзларидан бебаҳра қилишмоқда. Жумладан, «Sultan Texts Group» МЧЖ, Қарши «Leather» кўшма корхонаси, «LT TEXTILE INTERNATIONAL», «Радиянт Силк» Ўзбекистон-Хитой кўшма корхоналари раҳбарлари бир неча марта учрашиб, хатлар тақдим этилган бўлишига қарамасдан, ишчи-ҳодимларини касаба уюшмаси аъзолигига қабул қилиш ишларини пайсалга солиб келаётир.

Раиснинг куйинганича бор. Ушбу яхши ишларни рад этиб, касаба уюшмаларининг «қўксидан итараётганлар» адашаётганини қачон тушуниб етишадди?

Мақолага шу ерда нуқта қўйиш ҳам мумкин эди. Аммо бошқа бир тармоқ — Нефть, газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан Ҳўзор туманида қад кўтараётган «UzGTL» корхонасида ўтказилган йиғилиш касаба уюшмаси хизматини рад этаётган раҳбарларга яхшигина сабоқ ва намуна бўлишини ўйлаб, унинг тафсилотларига тўхталишни жоиз топдик.

Гап шундаки, «ENTER Engineering» компанияси томонидан мамлакатимиз бўйлаб йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. «UzGTL» куриллаётган истиқболли кўшма корхоналардан бири.

Корхонада ўтган учрашувда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси Собир Этамбердиев меҳнаткашларга касаба уюшмасининг афзалликлари ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Қайд этилдики, сўнгги йилларда Республика кенгашига қўллаб қўшма корхоналар, йирик-йирик дирекциялар аъзоликка киришмоқда. Ходимлар сони 1000 нафардан зиёд «Эпсилон» хорижий компанияси, «Ўзатом» агентлиги, «Атом ЭС» курилиш дирекцияси шулар жумласидандир.

Шу кун компания томонидан куриллаётган «UzGTL» заводида касаба уюшмаси ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Акмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»



Қорақалпоғистон
Республикаси

Энг намунали бошланғич ташкилот



Муваффақият кўзгуси

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ташкил этилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди.

— Кўрик-танловнинг ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши бошланғич ташкилотларнинг фаолиятини янада жонлантириш, аъзолик афзалликларини кенг тарғиб этишга хизмат қилмоқда, — деди Қорақалпоғистон касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ўринбосари Муратбой Дониёров. — Саъй-ҳаракатлар натижасида ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий томондан ҳимоялаш, уларнинг меҳнат ва маиший шароитларини яхшилаш, жамоа шартномаларида белгиланган имтиёзлардан барча бирдек фойдаланиши ва касаба уюшма қўмиталари фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш юзасидан муайян вазифалар бажарилмоқда.

— Ходимлар манфаатини ҳимоя қилишда, энг аввало, жамоа шартномасига суяниб иш юритамиз, — деди кўрик-танлов ғолибларидан бири, «Халқобод пахта тозалаш заводи» касабақўми раиси Момут Халханов. — Корхона

раҳбари билан ҳамкорликда белгилаб олганимиз 2019—2021 йиллар учун меҳнат муносабатларимизда икки тарафнинг ҳам манфаати ўз аксини топган бўлиб, жамоа шартномасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш асноси биринчи навбатда 495 нафар аъзоимизнинг фикр-мулоҳазаларини эътиборга олдик.

Ишчи-ҳодимлар учун муносиб меҳнат шароитлари яратилган жойда ишлаб чиқариш сифати ва иш самарадорлиги ортиб бораверади. Бундан корхона, ташкилот маъмурияти ва касаба уюшма ташкилоти ҳам бирдек манфаатдор.

Тадбир давомида кўрик-танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси миқёсидаги ғолиблари диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«ISHONCH»



Ғаллаорол тумани Қашқабулоқ қишлоғида жойлашган «Қамолот» бола-лар соғломлаштириш оромгоҳида дам олувчиларнинг ҳар бир кунини сермазмун ўтати. Бу ерда ҳордиқ чиқараётган 100 нафардан ортиқ болажоннинг шўх-шодон қийқириги ва ўйин-қўлгиларидан уларнинг кайфиятини англаш мумкин.

Сангзор соҳилидаги ажиб дамлар

Дам олиш маскани Сангзор дарёси соҳилида жойлашган бўлиб, сулим манзаралар, анвойи гуллар таратаётган хушбўй ҳид, анҳордан оқа-

ётган зилол сув дилга ором ва ҳаловат бағишлайди.

«Лочин», «Парвоз» ва «Қамалак» гуруҳларининг де-ворий газеталари, болажонлар томонидан чизилган суратлар, моҳир қўллар ижоди — ўйинчоқлар ва нафис нақшларни кўриб завқ-шавқ туясиз. Хоналар озода ва баттартиб, кўчма кутубхона дам олувчилар иктиёрида. Бош етакчи Азим Солиев, тарбиячилар Сарвиноз Абдуҳакимова ва Янглиш Сулаймонова ўғил-қизлар теграсида парвона.

— Келажгимиз ворисларига бўлган юксак эътиборни инсонийликнинг энг юқори даражаси деб биламиз, — дейди оромгоҳ раҳбари, халқ таълими аъло-

чиси Акмал Аликулов.

Шаҳло Ҳўжабекова раҳбарлигида ташкиллаштирилган турли тадбирлар, қўшиқ ва рақс танловлари бизга ҳам манзур бўлди. Ғолиблар маъмурият томонидан совғалар билан тақдирланди.

— Оромгоҳларда олиб борилаётган ҳар бир тадбир болалар дунёқарашини бойитиш, ижодий қобилиятини шакллантириш, маънавий камол топишида ёрдам берувчи асосий тарбия воситаси бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси етакчи мутахассиси Тўлибой Тўйчиев.

Абдулла САИДОВ

«Ishonch»
кўзгусида

Сурхондарё
вилояти

480 та янги уй-жой қурилади

Термиз туманида жорий йилда 480 та оилага мўлжалланган турар жой барпо этиш режалаштирилган. Хусусан, «Ўчқизил» кўргони ҳудудида бир қаватли, 3 хонали, ер майдони 0,2 сотихдан иборат бўлган 18 та замонавий уй қурилса, «Мангузар» МФЙ ҳудудида 4 қаватли 24 хонадондан иборат бўлган 19 та уй қад ростлайди.

Айни пайтда қурилиш ишлари авжида. «Мангузар» МФЙ ҳудудида «Ўчқизил Бинокор Файз», «Собир курувчи», «Бойсун сифатли курувчи», «Тўлқин», «Термиз мега строй», «Термиз таъмир қурилиш фойз» каби қурилиш корхоналарининг курувчилари уй-жой барпо этиш билан банд. «Қишлоққурилишнинг» вилоят ташкилотидан олинган маълумотларга кўра, янги уйлари қуришда маҳаллий хошанилардан кенг фойдаланилади. Турар жойларнинг лойиҳаси, хоналарининг шинамлиги, кенглиги, бошқа қўшимча шароитлари билан аввал қурилган уйлاردан ажралиб туриши ҳам эътиборга олинмоқда. Аҳоли учун барча турдаги хизмат кўрсатувчи шоҳобчалар, дўконлар, бола-лар майдончалари барпо этилади.

«Хавас»га келинг!

Узун туманида бир йўла 2 та замонавий иншоот фойдаланишга топширилди. Улардан бири туман марказида бунёд этилган 60 ўринли «Хавас» меҳмонхонасидир.

Барча қулайликка эга, замонавий архитектура талаблари асосида қурилган меҳмонхонада 10 нафардан ортиқ аҳоли вакиллари мўқим иш жойи билан таъминланди.

Шунингдек, туманда ёшларнинг спорт билан шуғулланишлари учун зарур шароитлар яратиш мақсадида, 12х25 метр ҳажмдаги ёпиқ сузиш ҳавзаси барпо этилди. «Сурхон қурилиш бутлаш» масъулияти чекланган жамияти курувчилари бунёд этган мазкур иншоотларнинг тантанали очилиш маросимида Сурхондарё вилоят ҳокими Т.Боболов иштирок этди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«ISHONCH»

Ёз — ўтмоқда соз!

Ҳикмат

Инсоннинг ва-зифаси оқилонга фаолиятдир.

АРАСТУ

Биз тадбиркорлик муҳитининг янги қирралари билан яқиндан танишиш, эътиборга молик жиҳатларини кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилиш мақсадида соҳада ютуқларни қўлга киритаётган, ўнлаб, янги иш ўринлари яратётган тадбиркорлар билан учрашиб, қўлай бизнес имкониятлари, улар олдида турган эзгу мақсадлар, келажақда амалга оширилиши лозим бўлган тадбир ва режалар билан қизиқдик.

Латофат ҲУСАНОВА,
Навоий шаҳридаги «Чаросхон миллий кўйирчоқлари» корхонаси раҳбари:

Президентимизнинг шу йил март ойида вилоятимизга ташрифидан сўн, тадбиркорлик муҳити тубдан ўзгарди. Муҳими, шу пайтгача кўндаланг бўлиб турган муаммолар бирма-бир ечилмоқда. Мен тадбиркорликни бошлаганимда бир талай сунъий тўсиқларга дуч келганман. Фаолиятимиз асосан миллий кўйирчоқлар яшаш ва сотишдан иборат бўлиб, тайинли жойимиз ҳам йўқ эди. Асосан уйимизда ишлардик. Махсулотимизни фақат бозорга

чиқаришга мажбур эдик. Савдомиз юришмагани ҳам рост. Ортиқча тўловлар, харажатларнинг тобора ошиб кетгани туфайли фаолиятимизни маълум муддат тўхтатишга ҳам тўғри келган. 2017 йилга келиб муҳит ўзгарди.

Шаҳбоз РЎЗИМУРДОВ,
Навоий шаҳридаги «Навоий ҳумо» МЧЖ раҳбари:

— Корхонамизда асосан блокли ғишлар, турли ҳажмдаги плиталар ва бошқа қурилиш моллари ишлаб чиқарилади. Яқин паллада йилга 250 минг дон блокли ғишт, 4 мингдан ортиқ плитка, 3 минг 500 дондан ортиқ бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда. Қарзимиз йўқ. Даромадимиз кундан-кунга ортиб бормоқда.

риш лозим. Бошловчи тадбиркорга кимдир вақтинча ҳомийлик қилса, тўғри маслаҳат берса, у дарҳол ўзини тутиб олади. Ишлари юришиб кетгач, давлатга ҳам, ўзига ҳам фойда келтиради. Тадбиркор иложи борица банк

кредитларисиз ишини ташкил қила олса, айтарли қийинчиликка дуч келмайди. Шунингдек, қўлай жойини танлаш ҳам ишнинг асосий мезонларидан биридир. Сифат, самарадорлик, инсоф ва диёнат ҳам даромаднинг калити ҳисобланишини унутмаслик шарт. Муҳими, вилоятимизда тадбиркорлик имкониятлари кенгайиб бораётганидан барча ишбилармонлар хурсанд.

Наврўз ИБРОҲИМОВ,
Конимех туманидаги «Конимех асқомж» МЧЖ раҳбари:

— Тадбиркорга бугун хилма-хил имкониятлар яратилган. Улардан бири қишлоқ хўжалиги соҳасидир. Мана биз иссиқхона ташкил қилганмиз. Помидор ва бодринг етиштириб, хорижга экспорт қиламиз. Шукрлар бўлсинки, ҳеч кимдан кам эмасмиз. Тажриба шуни тасдиқламоқдаки, аввало, давлатни тезроқ молиявий томондан мустақамлайдиган соҳаларда тадбиркорликни кенг йўлга қўйиш лозим. Шундагина тараққиёт тезлашади. Ишингизда сифат бўлса, қада-

Президент ташрифидан сўнг...

мингизни тўғри боссангиз, ҳеч қачон қоқилмайсиз.

Тўғриси айтсак, бир неча йиллар олдин тадбиркорни кўпчилик ёқтирмас эди. Муҳтарам Президентимиз бизга бугун шундай имкониятларни бердики, ишимиз янада ривожланди, юзимиз ёруғ бўлди. Бугун кўпчилик тадбиркор бўлишни истайди. Майли, урдасидан чиқса, қандини урсин. Аммо бу иш ҳаммага ҳам тўғри келмайди. Бугун бойсиз, эртага синишингиз ҳам эҳтимолдан холи эмас. Шунинг учун тадбиркорнинг кўзлари ўткир, феъли кенгроқ бўлиши лозим.

Навоийлик тадбиркорларнинг фикрларидан, ҳаракат ва режаларидан ҳилликка, ютуқлар ўзимизники, шу билан бирга, ҳали бажаришимиз лозим бўлган ишларимиз ҳам кўп. Муҳими, халқимизда хоҳиш ва истак бор. Демак, тадбиркорлик муҳити ҳам тобора кенгайиб, рақобатбардор бўлиб боравериши шубҳасиз. Айни паллада Навоий вилоятида 140 дан ортиқ хорижий ва қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган турли махсулотлар юртдошларимиз эҳтиёжини қондириш билан бирга хорижликларни ҳам қизиқтирмоқда. Бу эса Навоий – тадбиркорлар вилоятига айланиб бораётганидан дарак беради.

Нормурод МУСОМОВ,
«ISHONCH»

Ҳикмат

Ишбилармон кишилар одамда омадли бўладилар, аксинча, қиладиган ишларини ҳадеб ўйлайверадилар ва сусткашлик қиладиганларга омад камдан-кам насиб этади.

ХЕРОДОТ



Фарғона вилояти

Бугун қай бир гўшага борманг, қурилиш, ободонлаштириш, янгилашга гўвоҳ бўласиз. Афсуски, бу каби ислохотлар Данғара туманидаги 15-МТМнинг «Катта Амиробод» МФЙ ҳудудига жойлашган боғча филиалига етиб келмаган кўринади. Акс ҳолда, у бунчалар ночор аҳволга тушиб қолмаган бўлар эди. Бир замонлар юздан ортиқ болажон тарбияланган боғчага бугун атиги 21 нафар ўғил-қиз қатнаётир.

Болалар боғчасининг узоқ йиллар эътибордан четда қолганини ташқи қиёфасидан ҳам билса бўлади. Девор сувоқлари кўчиб, «тегсанг, тўкиламан» деб турибди. Ошхонада овқат тайёрлаш учун шароит йўқ ҳисоби. Омборхонанинг аҳоли ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Муассасада болаларнинг соғлиғини назорат қилиш, уларга зарур ҳолатларда биринчи ёрдам кўрсатиш учун ҳеч бир қўлайлик йўқ. Спорт майдончаси, ёзги мавсумда ташқарида машғул олиб бориш жойлари ҳақида гапирининг ўзи ортиқча.

Савол туғилади: мамлакатимизда мактабгача таълим муассасаларида катта эътибор қаратилаётган бир пайтда Катта амирободлик болажонлар тақдирига нега бефарқ қаралмоқда? Ёки соҳага дахлдор масъуллар бу ерда боғча борлигини унутиб қолганми?

— Бу боғчада тарбия олган фарзандим 40 ёшдан ошди, — дейди «Катта Амиробод» МФЙ Довчар қишлоғида яшовчи 70 ёшли Қизлархон ая Матмуродова. — Қишлоқнинг деярли барча болалари шу масканда катта бўлишган. Мана бугун эса... Ҳар кун телевидордан ёш авлод вакилларининг озода ва шинам боғчаларда таълим-тарбия олаётганликларини кўриб ҳавасимиз келади. 4 ёшли неварам Мадина эса «буви, боғчамиз нимага чиройли эмас?» деб савол бергани-берган. Қандай жавоб қилишни ҳам билмайман.

— Шу МТМда 18 йилдан бери тарбиячи бўлиб ишлайман, — дейди Санохон Абдухонова. — Тўғриси айтсам, шу йиллар давомда боғчада бирор марта жид-



«Ishonch» газетасининг 2019 йил 26 январь кунги сониде Нурилло Нўзиевнинг «Газетада расман эълон қилинсин... Андижон шаҳар ҳокими ўзи муассис бўлмаган нашрга шундай кўрсатма беришга ҳақлими?» сар-

«Ўғай» боғча



дий таъмирлаш ишлари олиб борилганини эслай олмайман. Вақти-вақти билан ўзимиз чўнтагимиздан пул сарфлаб, қўлимиздан келганча таъмирлаб келамиз. Мана

Уч мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган Катта амирободликлар маҳаллада давлат мактабгача таълим муассасаси бўлишини жуда-жуда исташади. Бироқ улар мазкур боғчани нодавлат мактабгача таълим муассасасига, тушунарли қилиб айтганда хусусий боғчага айлантирилишидан хавотирда. Маҳаллий аҳолининг қайси бир вакили билан гаплашмайлик, улар қишлоқдаги давлат

Уч мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган Катта амирободликлар маҳаллада давлат мактабгача таълим муассасаси бўлишини жуда-жуда исташади. Бироқ улар мазкур боғчани нодавлат мактабгача таълим муассасасига, тушунарли қилиб айтганда хусусий боғчага айлантирилишидан хавотирда. Маҳаллий аҳолининг қайси бир вакили билан гаплашмайлик, улар қишлоқдаги давлат

Уч мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган Катта амирободликлар маҳаллада давлат мактабгача таълим муассасаси бўлишини жуда-жуда исташади. Бироқ улар мазкур боғчани нодавлат мактабгача таълим муассасасига, тушунарли қилиб айтганда хусусий боғчага айлантирилишидан хавотирда. Маҳаллий аҳолининг қайси бир вакили билан гаплашмайлик, улар қишлоқдаги давлат

мактабгача таълим муассасаси сақланиб қолганини, кўп йиллардан буён эътибордан четда қолган бу масканга ҳам мутасаддилар эътибор қаратишлари лозимлигини таъкидлашди.

— Яқинда маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган йиғилишда боғча тадбиркорга хусусий боғча очиш учун берилмаётганини айтишди,

— дейди Камолитдин Ҳайитов. — Тўғриси, бу хабардан кўпчилик норози бўлди. Хусусий боғчага айлантирилса, табиийки, «бадали» ҳам кескин ортади. Ҳозир бир оила бир нафар фарзанди учун 72 минг сўм тўлов тўлайди. Шахсан ўзимнинг икки бола-лам шу боғчага қатнайдим. Бир оиладан икки нафар бола боғчага борганлиги учун имтиёзли равишда уларнинг ҳар бирига 58 минг сўмдан 116 минг сўм тўлайман. Ишсиз бўлганлигим учун ҳоҳида шу пулни

ҳам тўлашга қийналиб қоламан. Агар боғча хусусий маком олса... Қишлоққа энг яқин давлат боғчаси 5-6 км. узоқда. Ҳар кун йўлқира қилиб бориб келиш ҳар қандай ота-онага «огирлик» қилади.

— Менинг ҳам икки фарзандим шу боғчада тарбияланади, — дейди Катта Амиробод кўчасида яшовчи Хуршид Усмонов. — Агар боғча хусусийлашса, биз ота-она-

лар имтиёзларимиздан маҳрум бўлишимиз аниқ. У ҳолда биз қаерга берамиз болаларимизни?

— Агар тадбиркор хусусий боғча очиш ниятида бўлса, маҳалламиз ҳудудига бўш турган ер майдонлари йўқ эмас. Ана шунда ота-оналар имкониятидан келиб чиқиб, фарзандларини хоҳласа давлат, хоҳласа хусусий боғчага беришлари мумкин бўлади. Бу эса ўз ўзидан соғлом рақобатни юзага келтиради, — дейди шу маҳаллада истиқомат қилувчи Абдор Қурбонов.

Маҳалла аҳолининг айтишича, боғча биниси «Катта Амиробод»га яқин Довчар, Гулистон қишлоқлари аҳолисининг фарзандлари учун қурилган экан. Ҳозир бу ҳудудда 7 ёшгача бўлган 236 нафар ўғил-қиз бор.

Келинг, энди ҳудудга яқин жойда иш бошлаган хусусий боғчаларнинг тўлов нархлари билан танишсак. Мисол учун туман марказида хусусий боғчаларда бир ойлик тўлов 130 мингдан бошланади. Шунингдек, яқинда очилган «Кўзмончок» нодавлат мактабгача таълим муассасасида бир ойлик тўлов 250 минг сўм. Мазкур боғча мудираси билан суҳбатлашганимизда, бир оиладан бир нафар бола келса ҳам, икки нафар бола келса ҳам тўловда ҳеч қандай имтиёз берилмаслигини айтди.

Умид қиламизки, соҳага дахлдор мутасаддилар уч минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган «Катта Амиробод» маҳалласи аҳолини ўйлантираётган масалага оқилона ечим топишади.

Жамшид ЭРҒАШЕВ,
«ISHONCH»

«Ishonch»га жавоб берадилар

Беш ойда ҳам кўрилмаган чора...


лавҳали мақоласи эълон қилинган эди. Унга яқинда (гарчи беш ой кечиккан бўлса-да, ҳарқалай) шундай жавоб хати келди:

«...Мақола Андижон шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари иштирокида ўрганиб чиқилди. Мақолада кўрсатилган камчиликлар муҳокама қилиниб, бу каби камчиликларга келгусида йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди. Чиқарилган қарорларда йўл қўйилган хато-камчиликлар ва қарорларни тегишли

ҳамкорларга етказишда сусткашликка йўл қўйганлиги учун Андижон шаҳар ҳокимлиги Девонхона мудири Т.Мирсаломов ҳамда ҳокимлик бош юристконсулти О.Каримовларга белгиланган тартибда жавобгарлик масалаларини кўриш бўйича шаҳар ҳокими Д.Раҳматуллаевга хат юборилди».

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари: **А.Эгамбердиев**

Оғриқ тишлар...



лар имтиёзларимиздан маҳрум бўлишимиз аниқ. У ҳолда биз қаерга берамиз болаларимизни?

— Агар тадбиркор хусусий боғча очиш ниятида бўлса, маҳалламиз ҳудудига бўш турган ер майдонлари йўқ эмас. Ана шунда ота-оналар имкониятидан келиб чиқиб, фарзандларини хоҳласа давлат, хоҳласа хусусий боғчага беришлари мумкин бўлади. Бу эса ўз ўзидан соғлом рақобатни юзага келтиради, — дейди шу маҳаллада истиқомат қилувчи Абдор Қурбонов.

Маҳалла аҳолининг айтишича, боғча биниси «Катта Амиробод»га яқин Довчар, Гулистон қишлоқлари аҳолисининг фарзандлари учун қурилган экан. Ҳозир бу ҳудудда 7 ёшгача бўлган 236 нафар ўғил-қиз бор.

Келинг, энди ҳудудга яқин жойда иш бошлаган хусусий боғчаларнинг тўлов нархлари билан танишсак. Мисол учун туман марказида хусусий боғчаларда бир ойлик тўлов 130 мингдан бошланади. Шунингдек, яқинда очилган «Кўзмончок» нодавлат мактабгача таълим муассасасида бир ойлик тўлов 250 минг сўм. Мазкур боғча мудираси билан суҳбатлашганимизда, бир оиладан бир нафар бола келса ҳам, икки нафар бола келса ҳам тўловда ҳеч қандай имтиёз берилмаслигини айтди.

Умид қиламизки, соҳага дахлдор мутасаддилар уч минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган «Катта Амиробод» маҳалласи аҳолини ўйлантираётган масалага оқилона ечим топишади.

Жамшид ЭРҒАШЕВ,
«ISHONCH»

Эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси!
«BEST LINE REALTOR» МЧЖ
бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига «Turonbank» АТБ Миробод филиали кредит комиссияси йиғилиши баёни қарори ҳамда 2019 йил 28 июндаги № 05/01-350 буюртма хатига асосан филиал ҳисобида бўлган, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Мажнунтоқ 4-берк кўчаси, 6-уйда жойлашган, умумий ер майдони 600,0 кв.метр, қурилиш ости ер майдони 215,06 кв. метрдан иборат тураржой тақдирини кўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 292 272 000 (икки юз тўқсон икки миллион икки юз етмиш икки минг) сўм.

Аукцион савдолари 2019 йил 5 август куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели кўчаси, 2-уй манзилида ўтказилади.

Талабгорлар диққатига! Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар «Савдо ташкилотчиси» томонидан расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик, шанба ва яшанба дам олиш кунли).

Буюртманомаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2019 йил 2 август куни соат 18:00 гача.

Мазкур мулк 2019 йил 5 август куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдосида сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2019 йил 13 ва 20 август кунлари соат 11:00да ўтказилишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий савдо учун буюртманомаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2019 йил 13 август кунги савдо учун 2019 йил 12 август куни ва 2019 йил 20 август кунги савдо учун 2019 йил 19 август куни соат 18:00 гача.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кун мuddатда олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Аукцион савдо ғолиби қуйидаги шартлар асосида мулк учун тўловларни амалга оширади.

* бўлиб-бўлиб тўлаш шарт (рассрочка). Мuddати — 7 (етти) йил.

* бўлиб-бўлиб тўлаш шарт (рассрочка). Фоизи — 16 (ўн олти) %.

* олдиндан тўлов суммаси: 15 % дан кам бўлмаган миқ-

дордаги тўлов.

* бошланғич тўлови олди-сотди шартномаси имзоланган кундан кейин 30 (ўттиз) кун ичида тўлаб бериш шартли билан.

қолган 85% тўлов олди-сотди шартномада белгиланган график асосида 7 (етти) йил мuddатда тўлаб бериш.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагиде бўлган талабгорлардан:

— «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдордаги закат пуллари тўлангандан сўнг савдода иштирок этиш учун буюртманомани топширишлари;

— Жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, буюртмани ваколатли вакил топширганда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ёки қонуний вакилликнинг тасдиқловчи ҳужжат, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши;

— Юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гўвоҳнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, буюртмани ваколатли вакил топширганда унинг тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда тақдим этилиши сўралади.

Тақдим қилинган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси билан (жисмоний шахслар учун) ҳамда талабгорнинг имзоси ва муҳри билан (юридик шахслар учун) тасдиқланган шарт.

Заказат тўлови учун рекузитлар: «BEST LINE REALTOR» масъулияти чекланган жамияти, х/р: 20208000300692478001, АТБ «InFinBANK» банкнинг Шайхонтоҳур тумани филиали, МФО: 01141, СТИР: 304421042, ОКОНХ: 83100.

Буюртманомалар қабул қилиш, қўшимча маълумотлар билан танишиш ва савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели кўчаси, 2-уй. **Тел:** (+99898) 115-71-97. **E-mail:** best-line-realtor@mail.ru. **Веб сайт:** http://www.1bl.ru

Лицензия: RR-0274

Шерзод ШЕРМАТОВ,
халқ таълими вазири:

«Ўқитувчига ИМПЕРАТОР ҳурмати, ВАЗИР ойлиги керак»

1 КОНЦЕПЦИЯ МАҚСАДИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Қабул қилинган Концепция халқ таълими тизимини узоқ муддатли ривожлантиришнинг асосий 9 та йўналиш, 48 та мақсадини белгилаб олган. 2030 йилга келиб Ўзбекистоннинг «PISA» (The Programme for International Student Assessment) Халқаро миқёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтинг буйича жаҳоннинг биринчи 30 та илғор мамлакати қаторига киришига эришиш, халқ таълими соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда инновацион лойиҳаларни жорий қилиш, ёшларнинг бандлигини таъминлашда мактабдан ташқари таълимнинг замонавий усуллари ва йўналишларини татбиқ қилиш шулар жумласидан.

Шунингдек, халқ таълими тизимида ўқувчиларнинг билим даражаси ва таълим сифатини баҳолаш буйича халқаро дастурлар ва изланишлар (PISA, TIMSS, PIRLS ҳамда бошқалар)да мамлакатимиз доимий иштирокини таъминлашга алоҳида урғу берилган.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида биттадан Президент мактабларини ташкил этиш, 4 860 та умумтаълим муассасасини тасдиқланган баҳолаш мезонларига мувофиқ «замонавий мактабларга айлантириш Концепцияда белгиланган асосий вазифалардир.

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ ҚАНДАЙ?

Халқ таълими тизимидаги олий маълумотли ўқитувчилар сони 34 минг нафарга ошди, 1000 нафардан ортиқ пенсиядаги ўқитувчилар умумтаълим муассасаларига ишга қайтди. Шу ўринда айтиш жоизки, ўқитувчига император ҳурмати, вазир ойлиги керак. Шундагина тизимда ривожланиш бўлади, ёшларимиз сифатли таълим олишга эришади. Техника ривожлангани билан ҳеч бир давлат китоблардан воз кечган эмас. Кўп китоб ўқиган ўқувчи эса мустақил фикрга эга бўлиб, ўз келажагини ярата оладиган шахс бўлиб етишади. «Китоб ҳақдиси – Book challenge» акцияси доирасида ҳозирги кунга қадар 3 мингдан зиёд мактабга 450 мингдан ортиқ китоб совға қилин-

гани бу йўлда муҳим қадам бўлди.

Президентимизнинг 2019 йил 17 июндаги «2019-2020 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида»ги қарори асосида олий ўқув юр்தларининг педагогика йўналиши буйича сиртқи бўлимга 12 мингдан зиёд, кечки бўлимга 1 минг 425 нафар талаба (ўрта махсус маълумотли ўқитувчилар) ўқишга кириш имкониятига эга бўлмоқда.

ЭЛЕКТРОН МАЪЛУМОТ БАЗАСИ КЕНГАЙМОҚДА

Ахборот-коммуникация технологияларини (АКТ) жорий этиш буйича тизимли ишлар йўлга қўйилиб, дарсликлар ва методик қўлланмаларнинг барчаси электрон шаклда «www.eduportal.uz» ахборот-таълим порталига 7 тилда жойлаштирилган. Мактабларни бошқариш жараёнининг шаффоғлигини таъминлаш учун «stat.uzedu.uz» ҳамда «xt.uzedu.uz» электрон порталларидан улар ҳақида маълумот олиш имконияти бор. Қолаверса, ўқувчилар, ўқитувчилар, мактабларнинг электрон маълумотлар базасини яратиш мақсадида «OpenEMIS» ахборот тизими «emis.uzedu.uz» домени иш юритмоқда.

53 та мактабда «Кундалик» ахборот тизими тажрибадан ўтказилган. Натижада, реал вақт режимида ўқувчиларнинг давомати ҳамда баҳоларининг мониторинги олиб борилади. Бунинг учун давлат-хусусий шериклик тамойилида Россиянинг «Дневник.ру» компанияси томонидан 10 млн. АҚШ доллари миқдорига тўғридан-тўғри хорижий сармоялар киритилишига келишилган.

Шуни татиқлаш керакки, Тошкент, Нукус, Наманган ва Хива шаҳарларида Президент мактабларининг қурилиш ишлари жадал суръатларда давом этмоқда. Нукус, Тошкент, Хива ва Наманган шаҳарларида ҳужжатларни қабул қилиш марказлари орқали 28 446 талабгор ҳужжат топшириб, кириш имтиҳонларининг саралаш босқичи шу йилнинг 29 июнь – 2 июль кунлари бўлиб ўтди.

Озода РЎЗИҚУЛОВА,
«ISHONCH»



Ўриклисойда илҳом чашмалари қайнамоқда

1

Дастлаб ёш ижодкорлар Жиззах шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишди. Шароф Рашидов, Ҳамид Олимжон ва Зулфия ҳайкаллари пойига гулчамбар қўйиб, зиёрат қилди.

Шундан сўнг анжуман иштирокчилари Зомин туманига йўл олди. Ёш ижодкорларнинг анъанавий Зомин семинари иштирокчилари туман марказида кутиб олинди.

Анжуманнинг очилиш маросими Ўриклисой оромгоҳида бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Ёзувчилар Уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Салиев, Қорақалпоғистон ёзувчилар уюшмаси раиси Кенесбой Каримов, Ўзбекистон халқ шоири

Энахон Сиддиқова ва бошқа бир қатор ижодкорлар сўзга чиқишди.

Унда қайд этилганидек, бундан йигирма бир йил муқаддам ўша пайтда Жиззах вилоятининг ҳокими бўлган Шавкат Мирзиёевнинг ўзи бош-қош бўлиб ўтказган мазкур семинар кўплаб ёш ижодкорларни кашф этганди. Орада бироз муддат тўхтаб қолган ёш ижодкорлар семинарининг қайта ташкил этилган тарихий аҳамиятга эга бўлди. Бугун бу анжуман ёшлар учун сабоқ ва маҳорат мактаби вазифасини ўтамоқда. Ўтаётган анжуманда ҳам кўплаб ёш истеъдод соҳибларининг кашф этилишидан умид ва ишонч катта.

Зомин тоғлари қўйини тун қопламоқда. Ўриклисой тошларига минг йиллардан

буён урилиб оқаётган сувларнинг шарқираши қалбларга ҳузур бахш этади. Тоннинг салқин шабадаси этни жунжиктиради. Беихтиёр тикликлар бағридаги абадийдан дарак берувчи арчалар эътиборингизни тортади, уларнинг ёшликка эш яшиллиги кўнгилларни сокинлик сўқмоқларига етаклайди.

Мен Зомин тоғларини кўргани келган эдим, бу ерда адабиётимизнинг тоғларини ҳам учратиш насиб этди, – дейди анжуман иштирокчиси Гулсанам Баҳриддинова.

Ўриклисойни тун ўз бағрига олганда шеър баҳси бошланди. Ўртимизнинг барча ҳудудларидан келган ёш ижодкорлар ва адабиётимизнинг улўлари бир муддат бадииятнинг сеҳрли олами мафтунига айландилар. Дунёдаги энг гўзал юртини,

энг қадрли халқни куйловчи жумлалар кўнгиллардаги ғузур булогини тоширди.

Ўртимизнинг ҳар бир ҳудудида тийран қалбли, элнинг юрагидангина айта оладиган истеъдоди чўнг ёшларнинг борлиги дилларга қувонч солди. Зомин тоғларига суяниб турган кўкни юлдузлар тўлдирганда мушоира якунланди.

Аммо қароқларни уйқу асир этмагунча шеърли сатрлар тафаккурга тинчлик бермади, қулоқлар узра ёш қалблардан отилиб чиққан оташин сўзлар жаранглаб турди.

Ўзбекистон ёш ижодкорларининг анъанавий Зомин семинари давом этмоқда.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»

Ижтимоий эълон

Ўзбекистон Республикаси Судьялари Олий кенгаши тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддаси талабларига асосан судьялик лавозимларининг номзодлар заҳирасини зарур билимга эга бўлган, етарли ҳаётий тажрибага ва бевуқсон обрў-эътиборга эга юқори малакали юристлар орасидан ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик ихтисос бўйича камидан беш йиллик иш стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳисобига шакллантириш белгиланган.

Шу муносабат билан фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судлари судьялари малака ҳайъати қуйидаги бўш (вакант) судьялик лавозимлари мавжудлигини эълон қилади:

фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида – 3 нафар судья;

фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судида – 2 нафар судья;

фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судида – раислик лавозими ва 1 нафар судья;

фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судида – 2 нафар судья;

Манзил: Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 246-уй, тел: (71) 207-02-30.

Яна ўша гап...

баробар. Шундай вазиятда «бу «ванна»дан гулоб ичилган», деб турсак... Ақл-у заковатда тенгсиз боболаримиз меросига хиёнат, Ватанга, унинг тараққиётига, қолаверса, халқимизга иснод келтирмаймизми?

Ўтган йили газетамда Баҳриддин Юсуповнинг «Соҳибқироннинг ваннаси қаерда?» сарлавҳали мақоласи эълон қилинган. Унда Амир Темур мақбарасида сақланган идишнинг таржимадаги талқинида хатolik бўлаётганига муносабат билдирилган эди. Аммо барча уринишлар бези кетганга ўхшайди...

Бўлмаса, гидлар ҳамон оғиз кўпиртириб «Соҳибқироннинг ваннаси» ҳақида гапирмаган бўлар эди. Афсуски, жуда ҳам оғриқли дардимизга даво излашга ҳамон ҳеч ким эътибор қаратмаяпти.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»



Яқинда йигирмадан зиёд давлатлар касабга уюмалари вакиллари билан Самарқанд шаҳридаги Амир Темур мақбарасини зиёрат қилдик. Аммо чексиз ҳайратлар оғушидаги меҳмонларнинг таъбини хира қилган бир ҳолат юз берди.

Соҳибқироннинг «ванна»сида нима ичилган?

Биз ҳамроҳ бўлган чет элликлар қадамжодаги бир буюмга диққат-эътибор, катта қизиқиш қаратди. Гид-таржимон мазкур идиш археологик қазилмаларда топилгани, бундан «ванна» ёки гулоб ичадиган идиш сифатида фойдаланганини тушунтирди.

Ҳайратланиб турган меҳмонлар мийиғида қулиб нари кетгани ҳақиқатимизга тегиб, таржимонга дакки бердик. Иккинчи гуруҳ ва учинчи гуруҳ таржимонлари ҳам «ванна»нинг сирини ошкор қилди. Ҳар ҳолда булар русийзабон давлатлар вакиллари эди. Фран-

цузларга таржимонлик қилган гидни идиш ёнига бошлаб келиб нима эканлигини изоҳлаб беришини сўрадик.

– Бу идишни «ванна» ҳам дейишдади, гулоб ичилган, – дея она тилимизда тушунтирди у бизга.

– Ваннадан сув ича бўлар эканда, – дея ўсмончилардик.

– Аслини олганда, бу идиш тарихда нимага ишлатилганлиги номаълум, ҳеч ким айнан нима мақсадда фойдаланганини айтиб беролмайди, – дея яна ўз фикрини маъқуллашга тушди гид.

– Унда нимага, «ванна», ундан гулоб

ичилган, деясиз?

Бу саволимиз унга ёқмади, қўл силтаб нари кетди.

Чўлдан фил ясамоқчи эмасмиз. Аммо, офтобадан сув ичишни макруҳ ҳисоблаган ажодларимиз ваннадан гулоб ичганини тасаввур қилиш мумкинми? Қолаверса, бу идишнинг ваннага ўхшайдиган ҳеч бир жиҳати ҳам йўқ. Гидларга айтмоқчи бўлганимиз, идишни ваннадан ажратиб олиш учун илмий асос ҳам, чуқур билим ҳам керак эмас. Оддийгина фаросат бўлса, кифоя!

Мавзудан чекинмаган ҳолда яна бир

нинг кўз ўнгига уни залдан қувиб чиқаришга тўғри келди. Ҳартугул Болтиқбўйдан келган ўша ташкилотнинг вакили йиғилганларга тилмочлик қилиб берди. Йиғиндан сўнг гид таржимон билан суҳбатлашганимизда, мавзу юритилаётган соҳа ҳақида мутлақ тасаввурни йўқлигини айтиб, ўзини оқлади.

Нима демоқчимиз: бугун мамлакатимизда таржимонлар ривожланмоқда. Сайёҳлар оқими Самарқанд сари ҳам оқмоқда. Уларга маданиятимизни кўрсатиш – ўзлимизни кўрсатишимиз билан

МУАССИС:



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
116-рақам билан рўйхатга
олинган.

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй,
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашрият-матбаа акцидорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Баҳорис нелишилган нарҳда.

Тахририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-34
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Тошкент – (+998-99) 889-90-25
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Т. Шернаев

Мусоҳиҳчи:

С. Шодиева

Саҳифаловчи:

Ҳ. Абдуназирова

ЎЗА яқини – 21:50

Топширилди – 00:20

Газета офсет усулида,

А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табақ.
Буюртма Ғ – 717.
28000 нускада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 6



ТИББИЁТ ШИТОБИ

Илгарилар кетаётган тиббиётга фақат соғлом инсонгина етиб олади.

ПУЛИНГ ЎЗИНГ БИЛАН КЕТАДИ

Сотувчиларнинг шундай ибораси бор: пулинг ўзинг билан кетади. Менимча, бунинг китоб савдосига қўллаш тўғривор. Негаки, китобни ҳам сотиб оласан. Лекин пулинг ўзинг билан кетиши, бу – аниқ.

ОЛИМЛИК ДАЪВОСИ

«Мен олим бўламан!» Бу орзу ушалиши учун, энг аввало, олим бўлиш мумкинлигига ишонмоқ керак.

ТОТУВЛИК ШАРТИ

Аёлда – сир-синаот, эр-кақда – сабр-қаноат.

ЯХШИ ВА ЯНАДА ЯХШИ

Мавжуд муаммоларни ечиш яхши, аммо янги-ларнинг олдини олиш янада яхши.

НОЗИК ТОРЛАР

Юрак торларини ноҳун билан чертмайди.

СЕВГИ ТЕНГЛАМАСИ

Севи – бу икки номаълумли тенглама.

НОЁБ ТУЙҒУ

Ҳақиқий сеvgини бозордан қидирмайди.

ЧИДАМЛИ ЭРКАК

Эркак киши бир аёлни севади. Қолганларига чидайди.

ТАҚРОРИЙ ХАТОЛАР

Агар ҳар доим бир хил хатога йўл қўяётган бўлсанг, ҳушёр бўл, улар сенга тўғридек туюлмоқда. Хатоларнинг туб илдизини ахтар.

ҚАДР МЕЗОНИ

Одамнинг қадри ... Шифохонада ётганда билинади.

САВОЛ

Ерда шундай нарсалар турганда, осмонга қарашнинг нима кераги бор.

СЕВГИ ФАНИ

Севиш – бу назария; қандай севиш – бу амалиёт.

Муҳаммад ТОШБОЛАЕВ,
профессор

Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши жамоаси кенаш бош мухтасасси Юнус Ғафуровга укаси

Муроджон
Ғафуровнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Андижон вилояти касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши Агрисаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси Бадиқчи тумани кенгаши бухгалтери Саломхон Раҳмоновга отаси

Абдулҳамид
РАҲМОНОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг ректорати ва касабга уюшма қўмитаси университетининг «Информатика ва уни ўқитиш методикаси» кафедраси профессори

Абдуқодир
АБДУҚОДИРОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради.